# VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 42 814 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 27 240 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 63,6 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг (60,7 фоиз), савдо (10,4 фоиз), саноат (7,5 фоиз) ва қурилиш (4,8 фоиз) соҳаларига тўғри келади.

**Жиззах вилоятидаги корхоналар ва ташкилотлар сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

*(2020 йил 1 июль ҳолатига)*

| | *Рўйхатга олинган* | | *Фаолият кўрсатаётган* | |
|---|---|---|---|---|
| | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* |
| **Жами** | **42 814** | **100,0** | **27 240** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 26 003 | 60,7 | 11 207 | 41,1 |
| саноат | 3 212 | 7,5 | 3 053 | 11,2 |
| қурилиш | 2 051 | 4,8 | 1 979 | 7,3 |
| савдо | 4 469 | 10,4 | 4 235 | 15,5 |
| ташиш ва сақлаш | 636 | 1,5 | 603 | 2,2 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1 265 | 3,0 | 1 178 | 4,3 |
| ахборот ва алоқа | 214 | 0,5 | 194 | 0,7 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 266 | 0,6 | 259 | 1,0 |
| бошқа фаолият турлари | 4 698 | 11,0 | 4 532 | 16,7 |

Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 19 935 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 18 973 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,2 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми, савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг (22,4 фоиз), саноат (16,1 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (15,7 фоиз) ва қурилиш (10,3 фоиз) соҳаларига тўғри келади.

**Жиззах вилоятидаги корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

*(2020 йил 1 июль ҳолатига фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*

| | *Рўйхатга олинганлар* | | *Фаолият кўрсатаётганлар* | |
|---|---|---|---|---|
| | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* |
| **Жами** | **19 935** | **100,0** | **18 973** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 3 124 | 15,7 | 2 940 | 15,5 |
| саноат | 3 212 | 16,1 | 3 053 | 16,1 |
| қурилиш | 2 051 | 10,3 | 1 979 | 10,4 |
| савдо | 4 469 | 22,4 | 4 235 | 22,3 |
| ташиш ва сақлаш | 636 | 3,2 | 603 | 3,2 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1 265 | 6,3 | 1 178 | 6,2 |
| ахборот ва алоқа | 214 | 1,1 | 194 | 1,0 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 266 | 1,3 | 259 | 1,4 |
| бошқа фаолият турлари | 4 698 | 23,6 | 4 532 | 23,9 |

**Жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши**
*(2020 йил 1 июль ҳолатига, бирлик)*

| | *2020 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинганлар сони* | *шунингдек, 2020 йил январь-июнь давомида:* | |
|---|---|---|---|
| | | *янги ташкил этилганлар* | *тугатилганлар* |
| **Жиззах вилояти** | **42 814** | **2 744** | **324** |
| *шаҳар:* | | | |
| Жиззах | 6 026 | 418 | 25 |
| *туманлар:* | | | |
| Арнасой | 3 011 | 225 | 24 |
| Бахмал | 3 568 | 247 | 10 |
| Ғаллаорол | 5 110 | 223 | 9 |
| Шароф Рашидов | 6 307 | 336 | 18 |
| Дўстлик | 1 845 | 172 | 23 |
| Зомин | 4 192 | 224 | 103 |
| Зарбдор | 3 189 | 260 | 10 |
| Зафаробод | 2 108 | 133 | 1 |
| Мирзачўл | 2 037 | 114 | 52 |
| Пахтакор | 1 949 | 137 | 22 |
| Фориш | 2 519 | 173 | 25 |
| Янгиобод | 953 | 82 | 2 |

2020 йилнинг январь – июнь ойларида жами 2 744 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 2 673 та). Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 418 таси, ёки 15,2 фоизи) ҳамда Шароф Рашидов (336 таси, ёки 12,2 фоизи) ва Зарбдор (260 таси, ёки 9,5 фоизи) туманларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни ҳудудлар бўйича тақсимланиши**
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)*

| | *2020 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинганлар* | *шунингдек, 2020 йил январь-июнь давомида:* | |
|---|---|---|---|
| | | *янги ташкил топганлар* | *тугатилганлар* |
| **Жиззах вилояти** | **19 935** | **2 005** | **122** |
| *шаҳар:* | | | |
| Жиззах | 5 928 | 418 | 25 |
| *туманлар:* | | | |
| Арнасой | 624 | 68 | 7 |
| Бахмал | 1 191 | 157 | 9 |
| Ғаллаорол | 1 578 | 192 | 7 |
| Шароф Рашидов | 3 227 | 258 | 9 |
| Дўстлик | 824 | 117 | 7 |
| Зомин | 1 618 | 151 | 13 |
| Зарбдор | 923 | 128 | 7 |
| Зафаробод | 610 | 92 | - |
| Мирзачўл | 715 | 77 | 8 |
| Пахтакор | 838 | 105 | 3 |
| Фориш | 1 392 | 167 | 25 |
| Янгиобод | 467 | 75 | 2 |

2020 йилнинг январь – июнь ойларида (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) жами – 2 005 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1 934 та). Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 418 таси, ёки 20,8 фоиз), Шароф Рашидов (258 таси, ёки 12,9 фоиз) ва Ғаллаорол (192 таси, ёки 9,6 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2020 йил 1 июль ҳолатига – 16 656 та тижорат шаклидаги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 4 706 та, оилавий корхоналар – 1 043 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 10 466 та, акционерлик жамиятлари – 20 тани ташкил этади.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўйича сони**
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирликда)*




2020 йилнинг январь – июнь ойларида (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) жами – 2 005 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1 934 та). Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 418 таси, ёки 20,8 фоиз), Шароф Рашидов (258 таси, ёки 12,9 фоиз) ва Ғаллаорол (192 таси, ёки 9,6 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 32,2 фоизи савдо, 25,8 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ва 16,6 фоизи саноат соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 122 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган.

**Хорижий капитали иштирокидаги корхоналар.** 2020 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 190 тани ташкил этди.

2020 йилнинг 1 июль ҳолатига хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 190 тани ташкил этди. Бунда, Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида 65 та, Туркия Республикаси 48 та, Россия Федерацияси 41 та, Корея Республикаси 9 та, Америка Қўшма Штатлари 6 та ва бошқа давлатлар капитали иштирокида 21 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

**Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳамкор давлатлар кесимидаги сони,** *бирликда*




Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 121 таси қўшма корхоналар, 69 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

2020 йил январь-июнь ойлари ҳолатига хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони – 14 тани ташкил этди. Бунда, Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида – 5 та, Корея Республикаси – 2 та, Туркия Республикаси – 2 та, Россия Федерацияси – 1 та ва бошқа давлатларнинг резидентлари капитали иштирокида 4 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар**
*(2020 йил 1 июль ҳолатига, бирликда)*

| | *2020 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаёт-ганлар сони* | *шундан* | |
|---|---|---|---|
| | | *қўшма корхоналар* | *хорижий корхоналар* |
| **Жиззах вилояти** | **190** | **14** | **2** |
| *шаҳар:* | | | |
| Жиззах | 67 | 1 | - |
| *туманлар:* | | | |
| Арнасой | 7 | - | 1 |
| Бахмал | 8 | 2 | - |
| Ғаллаорол | 16 | 2 | - |
| Шароф Рашидов | 17 | 2 | 1 |
| Дўстлик | 3 | - | - |
| Зомин | 16 | - | - |
| Зарбдор | 3 | 1 | - |
| Зафаробод | 8 | 2 | - |
| Мирзачўл | 2 | - | - |
| Пахтакор | 9 | - | - |
| Фориш | 22 | 1 | - |
| Янгиобод | 12 | 3 | - |

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши**
*(2020 йил 1 июль ҳолатига)*

| | *Корхоналар сони, бирлик* | *жамига нисбатан,% да* |
|---|---|---|
| **Жами** | **190** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 29 | 15,3 |
| Саноат | 103 | 54,2 |
| Қурилиш | 8 | 4,2 |
| Савдо | 28 | 14,7 |
| Ташиш ва сақлаш | 4 | 2,1 |
| Яшаш ва овқатланиш | 4 | 2,1 |
| Ахборот ва алоқа | 4 | 2,1 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 1 | 0,5 |
| Бошқа фаолият турлари | 9 | 4,8 |

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 190 та корхонанинг 103 таси (54,2 фоиз) саноат, 29 таси (15,3 фоиз) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 28 таси (14,7 фоиз) савдо, 8 таси (4,2 фоиз) қурилиш, 4 таси (2,1 фоиз) яшаш ва овқатланиш, 4 таси (2,1 фоиз) ташиш ва сақлаш, 4 таси (2,1 фоиз) ахборот ва алоқа, 1 таси (0,5 фоиз) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 9 таси (4,8 фоиз) бошқа соҳасига тўғри келади.

## Кичик корхона ва микрофирмалар

2020 йил 1 июль ҳолатига Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 15 711 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2019 йил 1 июль ҳолатига нисбатан 18,2 фоизга ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 4 890 таси (31,1 фоизи) Жиззах шаҳрига, 2 774 таси (17,7 фоизи) Шароф Рашидов, 1 030 таси (8,0 фоизи) Ғаллаорол ва 1 248 таси (7,9 фоизи) Зомин туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар кесимидаги тақсимоти,** *бирликда*




Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 15 711 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 4 222 таси (26,9 фоиз) савдо, 3 020 таси (19,2 фоиз) саноат, 2 897 таси (18,4 фоиз) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1 974 таси (12,6 фоиз) қурилишда, 1 171 таси (7,5 фоиз) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси, 595 таси (3,8 фоиз) ташиш ва сақлаш, 176 таси (1,1 фоиз) ахборот ва алоқа соҳаси, 175 таси (1,1 фоиз) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шунингдек 1 481 таси (9,4 фоиз) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми савдо ва саноат тармоқларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа соҳаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сонининг иқтисодий фаолияти турлари бўйича тақсимоти,** *% да*

2020 йилнинг январь-июнь ойларида 1 934 та кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса 2019 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда 83,1 % ни ташкил қилди. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Жиззах шаҳрида (406 та), Шароф Рашидов (243 та), Ғаллаорол (186 та) ва Фориш (164 та) туманларида ташкил этилган. Энг кам Зафаробод (90 та), Мирзачўл (75 та), Янгиобод (72 та) ҳамда Арнасой (65 та) туманларида ташкил этилган.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони таққосланганида энг кўпи савдо (645 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (512 та), саноат (332 та), қурилиш (170 та) ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (83 та) соҳаларида ташкил этилган. Энг кам эса, ахборот ва алоқа (18 та), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўсатиш (21 та) ҳамда ташиш ва сақлаш (36 та) соҳалари ҳиссасига тўғри келган.

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига 1 043 тани ташкил этди, улардан 975 таси ёки 93,5 фоизи фаолият юритмоқда.

**Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони бўйича маълумот**
*(бирликда)*




Иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда, фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг 404 таси ёки 41,4 фоизи саноат, 178 таси ёки 18,3 фоизи яшаш ва овқатланиш хизматлари, 166 таси ёки 17,0 фоизи савдо, 153 таси ёки 15,7 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6 таси ёки 0,6 фоизи қурилиш, 3 таси ёки 0,3 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 2 таси ёки 0,2 фоизи ахборот ва алоқа, 1 таси ёки 0,1 фоизи ташиш ва сақлаш ҳамда 62 таси ёки 6,4 фоизи бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.